



## “СУРИЯ АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ЖАНГАРИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАЖРИБАСИ”НИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Sh.Z.Safarov

NX va MU JOQ fakulteti umumqo‘shin tayyorgarligi kafedrasini umumiy taktika sikli katta o‘qituvchisi podpolkovnik

Сафаров Шухрат Зафарович

Подполковник, старший преподаватель цикла общей тактики Южного факультета оперативного командования Университета военной.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20696152>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 11-iyun 2026 yil  
Ma’qullandi: 13-iyun 2026 yil  
Nashr qilindi: 15-iyun 2026 yil

### KEYWORDS

Жанговар ҳаракатларни қатъиятлигини таъминлаш мақсадида ИШИД раҳбарияти хужум қилиш объектига бўлинмаларнинг ҳаракатланишида икки усулдан фойдаланган, булар.

### ABSTRACT

Маълумки, 2012 йил Сурияда бошланган оммавий тартибсизликлар ва кейинчалик фуқаролик урушининг бошланиши 2015 йилнинг ўрталарига келиб, мамлакат ҳудудининг деярли асосий қисмини турли террорчи ташкилотлар томонидан эгалланишига олиб келди. Ушбу даврга келиб, Сурия ҳудудининг 70% ИШИД томонидан ва 20% бошқа жангари гуруҳлари томонидан назорат қилинган.

Маълумки, 2012 йил Сурияда бошланган оммавий тартибсизликлар ва кейинчалик фуқаролик урушининг бошланиши 2015 йилнинг ўрталарига келиб, мамлакат ҳудудининг деярли асосий қисмини турли террорчи ташкилотлар томонидан эгалланишига олиб келди. Ушбу даврга келиб, Сурия ҳудудининг 70% ИШИД томонидан ва 20% бошқа жангари гуруҳлари томонидан назорат қилинган.

Хорижий ҳомийлар томонидан кучли ҳарбий, моддий-техник ва ахборот маълумотлари билан қўллаб-қувватлаш орқали жангари тузилмалар стратегик ташаббусга эга эдилар ва мутлақ ғалабани қўлга киритишга ўз ҳаракатларини йўналтирган эдилар. Россия ҳаво-космик кучлари томонидан операцияни ўтказишдан аввал уни синчковлик билан режалаштириш ва тайёрлаш ишлари олиб борилди. Суриянинг ҳудудий яхлитлигини тиклаш бўйича операция режасини уч босқичда ўтказиш мўлжалланган эди. Ушбу режага асосан, ҳукумат қўшинлари уч ой давомида ноқонуний қуролланган тузулмаларининг асосий қисмини яқсон қилиш ва Сурия-Ироқ чегарасига чиқиши кўзда тутилган эди.

Жанговар ҳаракатларни қатъиятлигини таъминлаш мақсадида ИШИД раҳбарияти хужум қилиш объектига бўлинмаларнинг ҳаракатланишида икки усулдан фойдаланган, булар:



*биринчи усул* – катта тезликда икки, уч ва ундан ортиқ йўналишлардан яширинча ҳаракатланиб бориш ва тўсатдан ҳужум қилиш. Бунда ҳаракатланиш воситаси мақсадида катта калибрли пулемётлар ўрнатилган пикаплардан фойдаланилди;

*иккинчи усул* - тирик қалқон сифатида гаровга олинган тинч аҳоли ва асирга тушган ҳарбий хизматчиларнинг панаси остида ҳаракатланиш.

Ноқонуний қуролланган жангарилар позицион ва манёврчан мудофаа ҳаракатларини амалга оширишган. Қоидага қўра, мудофаа бир эшелонда захирани яратган ҳолда ташкил қилинган.

Ҳукумат қўшинларининг ҳужуми вақтида жангарилар олдиндан танланган ва тайёрланган позицияларига кетма-кет чекиниш орқали ҳукумат қўшинлари бўлинмаларини олдиндан тайёрланган - оловли қопга|| йўналтирганлар. Жавоб зарбасини бериш хавфи пайдо бўлганда, жангарилар тарқалиш билан чекинишни амалга оширганлар.

Террорчилар позицион мудофаани сабот билан олиб боришган. Қаршилиқ кўрсатиш (муस्ताҳкамланган ҳудудлар) тугунлари айланма ва кўп ярусли мудофаани олиб боришни ва юқори самарали муҳандислик тизимини таъминлайдиган, асосан аҳоли пунктларида ва таянч база марказларида, ҳукмрон баландликларда жиҳозланган. Ҳалаб, Пальмира, Акербат, Дейр-Эз-Зор, Меядин ва Абу-Кемал аҳоли пунктларида мудофаа ушбу тамойил бўйича ташкил этилган эди. Мудофаа жанглирида ИШИД тузулмалари террорчи шаҳидларни ва миналаштирилган автомобилларни кенг қўламда қўллаган.



Россия экспертлари жангариларнинг қатъиятлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқдалар. Душман **50%** таркибини йўқотиш вақтида ўз позицияларини ташлаб кетади деган ҳисоб-китоблар Сурияда ўз тасдиғини топмади. 2017 йилда олиб борилган ёзги-кузги ҳарбий ҳаракатлар даврида жангарилар қақшаткич қаршилиқ кўрсатишган, ИШИД позицияларини эгаллаш учун душманнинг **90 %**гача объектларига оловли талафот етказиш керак бўлган. Жанг вақтида ИШИД отрядлари ўз позицияларини ташлаб кетиш ҳолатлари учрамаган, таянч пунктларини ушлаб қолиш сўнгги жангари қолгунга қадар олиб борилган.

Дара ва ғорларга эга бўлган мураккаб ҳудуд юқори даражада ниқоблаш имкониятини берган, алоҳида позициялар қўшимча тарзда тупроқ тўлдирилган қоплар ва темир тунукалар билан ниқобланган. Тунги кўриш мосламаларидан ҳимояланиш учун позициялар устида жундан тўқилган кўрпалар осиб қўйилган. Ўт очиш воситалари

ва техникани оддий ва самарали ниқоблаш мақсадида уларга мой ва қум аралашмаси суркалган.



ИШИД тузулмалари пистирма ҳаракатларини ҳар жойда ва кенг тарзда олиб боришган. Танлаб олинган жойдан келиб чиқиб, пистирмани ташкил қилишнинг бир неча усуллари қўлланилган. Жангариларнинг тактикаси – зарба бер – қоч|| тамойили бўйича қисқа қуролли ҳужумдан ва хавфсиз жойга тезлик билан чекинишдан иборат бўлган. Пистирманинг жойи колоннани тўсиш

имкониятини берадиган тор дарада танланган.

ИШИД тузилмалари ҳар бир жанг турида алоҳида тайёрланган шаҳид жангарилардан ташкил топган - ингимаси|| гуруҳларини қўллаши алоҳида белгиланган. Сурия қуролли кучларининг асосий кучларини йирик аҳоли пунктларини, мамлакатнинг шимолий ва жанубий қисмини боғловчи транспорт коммуникацияларни ушлаб қолишга йўналтирилган эди. Қуролли Кучларнинг ИШИД жангариларидан умумий ҳисобда тўрт карра устунлигига қарамасдан, уларнинг кўп қисми қўриқлаш ва таъминлаш вазифаларини бажаришган. Бундай шароитларда давлатнинг тўлиқ барбод бўлиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида Россия қуролли кучлари томонидан ИШИД туркумларини тор-мор қилиш операциясини ўтказишга сиёсий қарор қабул қилинди.

Операциянинг биринчи босқичига кўра, 2015 йилнинг сентябрь ойида Сурия ҳудудида қўшинлар (кучлар) туркумининг оператив ёйилиши ўтказилди, унда қуйидагилар амалга оширилди:

Хмейми аэродромида оператив-тактик ва армия авиациясининг авиация гуруҳи ( 32 жанговар самолёт ва 16 зарбдор вертолётлар);

Ўрта-ер денгизи акваториясида Қора денгиз флотининг жанговар кемалар отряди ("Москва" гвардиячи ракета крейсери ва «Сметливый» қўриқлов кемаси);

Каспий денгизиде кемалар зарбдор гуруҳи (таркибида тўртта кема). Сурия ҳудудини жавобгарлик зоналари бўлинишига мувофиқ, операция бошида еттига операцион йўналишларда туркумларни ёйилиш тадбирлари амалга оширилди:

сентябрь охирига – –Текислик||, –Шимолий||, –Тоғли||;

октябрь ўрталарига --Марказий||, –Дамашқ||, –Пальмира|| ва –Жанубий||. Россия Федерация қуролли кучларининг Сурияга ёрдам беришда иштирокининг асосий даври 2015 йилнинг 30 сентябридан бошланди.

Ушбу вақтга келиб, Америка қўшма штатлари томониде раҳбарлик қилаётган Иттифоқ кучлари бир йил давомида ИШИД жангариларига қарши фаол жанговар ҳаракатларни олиб бораётган эдилар. Шу билан бирга, Ислон давлати бу муддат ичида нафақат талафот кўришдан сақланди, балки Суриянинг 70 % дан ортиқроқ ҳудудини ўз назорати остига олганди. Ҳолат ўта хавфли эди, Россияни



аралашувисиз яна бир-бир ярим ойдан сўнг, Сурия давлат сифатида ўз фаолиятини тугатар эди.

Операциянинг биринчи ойида Россия Федерацияси ҳаво-космик кучлари авиацияси томонидан **1500** маротаба жанговар парвозлар амалга оширилиб, террорчиларнинг **2000** га яқин объектлари, **250** дан ортиқ турли бошқарув пунктлари, алоқа тармоқлари ва **51** та тайёргарлик кўриш лагерлари яқсон қилинди. Натижада, душман сезиларли даражада талафот кўрди, бошқарув ва таъминот тизими издан чиқарилди, террорчиларнинг иқтисодий имконияти йўқ қилинди. Кейинчалик, ёзги-кузги ҳаракатлар давридаги операция ғояси бўйича Суриянинг марказий ва шарқий қисмида жойлашган душман туркумини тор-мор қилиш назарда тутилган.



Сурияда шаҳар шароитларида олиб борилган жанговар ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб шуни таъкидлаш мумкинки, шаҳар шароитларида ҳудудлар устидан назоратни ўрнатиш замонавий урушларда муваффақият қозонишнинг муҳим шароитларидан биридир.

Шаҳарда жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки:

*биринчидан* - аниқ жанговар тўқнашув чизиғининг йўқлиги ва унинг вертикал бўйлаб чўзилганлиги ва чуқурлигидир (ер ости коммуникациялардан тортиб то биноларнинг устки қаватларигача).

*иккинчидан* - куч ва воситаларнинг манёврларини амалга оширишнинг, ҳамда кўплаб

тўсиқларнинг мавжудлигига кўра зирҳли техникалардан фойдаланишнинг қийинлиги.

*учинчидан* - мудофааланаётган томоннинг ҳудуд бўйича маълумотларга эгалиги бўйича устунлиги.

*тўртинчидан* - жанговар ҳаракатлар турар жой кварталларида олиб борилиши.

Шубҳасиз, сезиларли даражадаги тинч аҳолининг миқдори қўшинлар ҳаракатлари учун жиддий қийинчиликлар туғдиради ва жанговар ҳаракатлар ҳудудидан тинч аҳолини олиб чиқиш, жойлаштиришни ташкиллаштириш, улар орасида жангариларни аниқлаш тадбирларини ўтказиш учун қўшимча куч ва воситаларни жалб қилишни талаб қилади. Бундан ташқари, шаҳарда тинч аҳолини мавжудлиги оғир қуролларни, шу



билан бирга артиллерия ва самолётларни қўллаш имкониятини сусайтирди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки:

Суриядаги РФ ҚК қўшинлар ҳаракатининг янги усул ва шаклларини такомиллаштиришга йўналтирилган, бошқарув тизими, ўт билан талафот етказишни ривожланиши қўшинларни

тайёрлаш бўйича ўтказилган тадбирларни ҳисобга олган ҳолда Низом ва дастурий ҳужжатлар, услубий тавсиялар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишни (аниқлик киритишни) давом эттиришни. Қўшинларга, жанговар таъминотнинг асосий усуллари разведка-қидирув, қуршаб (ўраб) олиш, айланиб ўтиш ва рейд ҳаракатларини пистирма ҳаракатлари билан уйғунликда ҳамда аҳоли яшаш пунктларида асосий тактик ҳаракатлар усуллари фаол машқ қилишга эътибор қаратишни. РЭК бўлинмаларининг махсус ўқувлари давомида РЭК куч ва воситаларини қўллашнинг янги усуллари – ахборот-радиоэлектрон бостиришни, душманнинг УУАга қарши кураш ва унинг бошқарув тизимини бостиришни машқ қилишни.



Суриядаги ноқонуний қуролланган тузилмалар томонидан алоҳида мерганлар гуруҳи ва жанговар гуруҳ таркибидаги мерганлар кенг қўлланилган. Одатга кўра, исёнчилар отряди гранатомётчи, мерган ва автоматчилардан ташкил топган. Отряднинг тактик ҳаракати шундан иборат бўлганки, улар объектга яширин тарзда яқинлашган, кейинчалик гранатомётчи нишонга қарата ўт очган, сўнг мерган объектни қўриқлаётган ҳукумат кучлари аскарини йўқ қилиш, автоматчи эса, ўзининг икки шерикларини ҳамоя қилишидан иборат бўлган.

Қўшинлар жойлашган район яқинидаги иншоотнинг томи ва пастки қаватларини эгаллагандан сўнг, мерганлар гуруҳи жойлашиб, ҳукумат қўшинларининг муҳим нишонларини йўқ қилган. Бундай қисқа кечадиган ҳаракатлардан сўнг, худди шундай яшин тезликда ортга чекиниш амалга оширилган ва шу сабабли ҳукумат қўшинлари қарши жавоб қайтаришга улгурмай қолган. Шу билан бирга, Суриядаги номунтазам (исёнчи) тузилмаларнинг янги ҳаракат усуллари сифатида, исёнчилар томонидан йўлларга қўйилган блок-постларни, мансабдор шахсларни, хавфсизлик ходимларини ва ҳарбийларни қўлга олинишини кўрсатиб ўтиш мумкин. Натижада қидирув учун ажратилган ҳукумат қўшинларининг бўлинмалари исёнчилар томонидан олдиндан ташкиллаштирилган пистирмаларга тушган.



Исёнчилар томонидан авиация зарбаларини қайтариш тактиканинг алмашилишидаги муҳим жиҳат саналади. Ҳукумат қўшинлари тўла ўт ёғдириш қуввати устунлигини сақлаб қолганлиги сабабли, исёнчиларга хориждан кураш олиб боришнинг асимметрик воситалари, яъни танкка қарши воситала Сурия можаросида шаҳар шароитида олиб борилган жанговар ҳаракатлар тажрибаси

шуни кўрсатадики, унда жанга-рилар биноларнинг ён томонидан соат милага қарши ҳамла уюштирган. Бу ҳолат аксарият одамларнинг ўнақай бўлганлиги билан боғлиқ, пана жой чапда бўлганда уларга ўт очиш осон бўлган. Бинонинг бурчаги ўнгда бўлганда, чап елкадан отишга тўғри келган ва бу албатта, ноқулай ва самарасиз бўлган. Шу

сабабли жангарилар отрядининг ҳар бир гуруҳида чапақайларнинг бўлишига эътибор қаратилган.

Душманнинг оловидан қочиш мақсадида шаҳарнинг кўп қаватли бинолари орасида жангарилар деворлар бўйлаб ёки бошқа тўсиқлар бўйлаб ҳаракатланган. Шаҳар шароитидаги жанговар ҳаракатларда жангарилар биноларнинг юқори қаватларини эгаллаб, жанговар позициялар жойлаштирган. Шу билан бирга, жангарилар ҳукумат кўшинлари жойлашган биноларни миналаштириш учун бомбалар ва қўлбола портловчи миналарни қўллаган. Мазкур вазифани бажаришда биноларга портловчи модда ва воситаларни етказиш муаммо саналган. Бундай биноларга боришни ниқоблашда жангарилар томонидан тутун воситалари кенг қўлланилган. Шу билан бирга бино тагидан ер ости йўлларини қазишган ва кейинчалик уларни миналаштирган. Душманни бинолардан тутун қўллаб ҳайдаб чиқариш учун жангарилар қўл гранатасига маҳкамланган қалампирли баллончалардан фойдаланган.

Исёнчи кучлар тактик ҳаракатларида, дунё ҳамжамиятига кечаётган реал воқеалар ҳақида ёлғон ахборотлар тарқатиш, исёнчилар ҳаракатига маҳаллий ҳукуматни ва ҳукумат оммавий ахборот воситаларини (ОАВ) ўз вақтида жавоб қайтаришини тўсиб қўйиш, ўз манфаатида турли халқларнинг этник ва диний зиддиятларини қўллаш, маҳаллий аҳолини ўз томонига оғдириш ва уларни ҳамкорликка чорлаш ҳамда амалдаги ҳукумат ҳақида дунё ҳамжамиятига салбий фикр уйғотиш мақсадида ахборот-руҳий операцияларини ўтказиш алоҳида ўрин тутган. Ироқ ва Шом ислом давлати тузулмалари алоҳида тайёрланган шахид жангарилардан ташкил топган - Ингимаси|| гуруҳларини қўллаши алоҳида белгиланган, яъни бу гуруҳлар шахид жангарилари жанговар вазифани портлатмай бажариш ҳолатларида тирик қайтиб келишига рухсат берилган). Уларнинг аҳоли орасида сезилмас даражада тарқаб кетиш кўникмалари, ортда жойлашган ҳукумат кўшинларининг объектларига кўп маротаба кириш имкониятини яратган.

Қарши ҳамлаларни қатъий ўтказишда –Ингимаси|| гуруҳлари мудофаанинг шароити энг мураккаб қисмларида қўлланилган. Фақат Фрот дарёсининг ғарбий қирғоғини озод қилиш борасида олиб борилган операцияда –Ингимаси|| гуруҳлари ҳукумат кўшинлари гаубица батареясини яқсон қилишга, авиация техникасини йўқ қилиш мақсадида Дэйр-эз-Зор аэродромига киришга, ҳамда ҳужум қилаётган Сурия Араб Республикаси қуролли кучларининг туркумига қарши (Джиход-мобилларда) шиддатли ҳужум қилишга эришган.



Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, замонавий қуролли можароларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу - уларнинг террорчилик ҳаракатларига йўналтирилганлиги, уларнинг асосий мазмуни эса, исёнчиларга ва террорчи ташкилотларнинг қуролланган тузилмаларига қарши курашдир. Номунтазам қуролланган тузилмалар ҳаракатининг негизи, асосан, қуролли курашнинг партизанлик усули ва шаклларида, уларнинг асосий ҳаракат усули эса, объектларга ҳужум (босқин) қилиш, блок пост ва назорат ўтказиш пунктларини қўлга олиш,

мунтазам қўшинларнинг позицияларини ўққа тутиш, пистирма қўйиш, —Мина|| ва —Мерганлик уруши||дан иборат бўлган.

Номунтазам қуролланган тузилмаларнинг ҳозирги ҳаракатлари ҳам аввалгидай турли хил портловчи мосламаларни қўллаш, қотиллик, одамларни қўрқитиш ва ўғирлаш, шантаж, таҳликага солиш каби ҳаракатларни ўз ичига олувчи террорчилик фаолияти бўлиб қолмоқда. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қўшинларда жанговар тайёргарлик машғулотларини ўтказиш давомида шахсий таркибни амалий кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида шаҳар шароитида жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг янги усул ва шакллари доимий равишда ўргатиб бориш зарур.

**Foydalanilgan adabiyotlar::**

- 1.Samarov R.S, Ibragimov M.M, Yusupov R.S, Qodirov M.O,. – Toshkent 2021. Zamonaviy urush va qurolli to'qnashuvlar tendensiyasi:
- 2.Военный энциклопедический лексикон/под редакцией Зедделера Л.И., издание второе.
- 3.Тоффлер Э. Война и антивойна.. что такое война и как с ней бороться.Как выжить на пороге XXI века.-М.: АСТ: 2005.
- 4.Современное вооружение в войне. – М.: РАН-РИА, 1994.-С51-52.
- 5.Олий мактабининг мустақил тадқиқотчиси Ш.Тўйчиев —бугунги кунда сурия можаросини бартарафэтишда туркиянинг роли|| мавзусида маърузаси.
- 6.ЎР ҚК Академияси Қўмондонлик-штаб факультети 2-босқич тингловчиси майор З.Махаммадиевнинг: —Сурия Араб Республикасидаги жангариларга
- 7.ЎР ҚК Академияси —Чет эл армияларининг тажрибасини ўрганиш кафедраси ўқитувчиси подполковник М. Нажимовнинг Замонавий қуролли тўқнашувлардаги тактик ҳаракатларнинг янги усуллари ва шакллари|| мавзусида маърузаси
- 8.Интернет ахборотлари